ҚЎҚОН ШАҲАР "ДЕҲҚОН БОЗОРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ
№ 01-СОНЛИ БАЁННОМАСИ

Қўқон шаҳар 17.11.2026-йил
Фурқат кўчаси 100-уй соат 10:00

Иштирокчиларнинг йиғилиш формати: шахсан (online) ва сиртдан (offlain) – масофавий алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Иштирок этувчилар,
Кузатув кенгаши аъзолари:

1. Курбанов О.Х. – Кузатув кенгаши аъзоси, Қўқон шаҳар ҳокимининг 1-ўринбосари;
2. Мадалиев Х.Ш. – Кузатув кенгаши аъзоси, Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутахассиси;
3. Асқаров С.А. – Кузатув кенгаши аъзоси, Қўқон шаҳар ҳокимлиги котиби;
4. Мелибаев Ж.А. – Кузатув кенгаши аъзоси, тадбиркор.
5. Ташпулатов Д.Ю. – Кузатув кенгаши аъзоси, "YULINTER" МЧЖ директори.

Жами иштирок этди _5_(беш)_ киши, кворум _100_ %.

Таклиф этилганлар:

Жамият бошқаруви раиси – Н.М.Ашурбаев, бошқарув раиси ўринбосари – А.А.Мирзаев, бош ҳисобчи – Б.И.Далиев.

Йиғилиш котиби:

Жамият мутахассиси - М.М.Арипов

Кун тартиби:

1. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖнинг 2026 йил 9-ойлиги (III-чорак)да жамият Бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши, молиявий-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисида жамият бошқаруви органининг маълумотнома-ҳисоботини кўриб чиқиш.
2. Жамиятнинг 2027 йил учун мўлжалланган "Бизнес-режа" лойиҳасини маъқуллаш.

Кузатув кенгашига тақдим этилган ахборот (маълумот) ва материаллар:

1. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖ бошқарув раисининг 2026 йил 9-ойда, III-чорак якуни бўйича бизнес-режа параметрларини бажарилиши юзасидан ҳисоботи.
2. Корхона бухгалтериясининг солиқ органларига топширилган ҳисоботлари: баланс ва молиявий натижалар (Ф-1, Ф-2).
3. Жамиятнинг 2027 йил учун мўлжалланган "Бизнес-режа" лойиҳаси.

Йиғилишни Кузатув кенгаши аъзоси Х.Ш.Мадалиев очиқ деб эълон қилди ва сўз олиб, жамият Кузатув кенгаши раисини сайлаб олишни маълум қилиб, Курбанов Отабек Худойшукурович номзодини сайлашни таклиф этди. Йиғилиш қатнашчилари томонидан номзод бир овоздан маъқулланиб, Курбанов О.Х. жамият Кузатув кенгаши раиси этиб сайланди.

Кун тартибига киритилган 1-масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси Курбанов О.Х. сўзга чиқиб, жамият бошқаруви раиси Н.М.Ашурбаевнинг 2026 йил 9-ойи мобайнида молиявий-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

Ҳусусан, жамият бошқаруви органи ҳисоботида 2026 йил III-чоракда амалга оширилган ишлар бўйича қисқача маълумотнома, 2026 йил учун тасдиқланган бизнес-режа

бажарилиши, унинг асосий кўрсаткичлари, олинган соф фойда ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумат қарорлари ва топшириқларининг ижроси ҳақида ахборот берди.

Жумладан, жамиятда 2026 йил 9-ой (III-чорак)да умумий тушум **6 540 551,04 минг** сўм, фойда солиғини тўлангунга қадар фойда **977 804,63 минг** сўм, фойда солиғи **217 530,84 минг** сўм, олинган соф фойда миқдори **760 273,79 минг** сўмни ташкил қилганлигини айтиб ўтди.

2026 йил III-чорак учун маъқулланган бизнес-режа бўйича **360 206,0 минг** сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлиб, амалда эса **760 273,79 минг** сўм соф фойда олиниб, режани ортиғи билан бажарилишига эришилди *(Бошқарув раисининг ҳисоботи илова қилинади).*

Йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала юзасидан музокарага чиққан Кузатув кенгаши раиси О.Х.Курбанов ўз фикр мулоҳазаларини билдириб, жамият бошқаруви раиси Н.М.Ашурбаевнинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш таклифини билдиришди ва бу таклиф тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Розилар – 5 **, Қаршилар –** – **, Бетарафлар –** – **.**

Кун тартибига киритилган 2-масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси Курбанов О.Х. сўз олиб, 2027 йил учун мўлжалланган "Бизнес-режа" лойиҳаси билан таништириш учун сўзни жамият бош ҳисобчиси Б.И.Далиевга берди.

Жамият масъул ходими Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖнинг 2027 йилда Бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши, кутилаётган соф фойдани тақсимланиши ҳамда жамият фаолиятини ривожлантириш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирлар, вазифаларни амалга оширилиши бўйича кўриладиган чоралар тўғрисида қисқача маълумотларни тақдим этиб, йил якунлари бўйича соф фойда миқдори **634 950,0 минг** сўмни ташкил этиши кутилишини маълум қилди.

Кун тартибидаги масала бўйича жамият Кузатув кенгаши аъзоси Д.Ю.Ташпулатов 2027 йил учун мўлжалланган "Бизнес-режа" бўйича кутилаётган соф фойда миқдорини **634 950,0 минг** сўм қилиб белгиланишини маъқуллаб, "Бизнес-режа"да белгиланган кўрсаткичлар бўйича аниқлик киритиш юзасидан бир қатор саволлар берди ва йўл қўйилган баъзи бир камчиликларга тўхталиб ўтди. КК аъзосининг саволлари ва қўшимчалари бўйича жамият бош ҳисобчиси маълумот бериб, камчиликлар бартараф этилишини маълум қилди.

Сўнг кун тартидаги масала юзасидан жамият кузатув кенгаши аъзоси Х.Ш.Мадалиев ўз фикрини билдириб, "Бизнес-режа" лойиҳасини маъқуллаб, жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида тасдиқланишини кун тартибига киритиш таклифини берди ва ушбу таклиф тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Розилар – 5 **, Қаршилар –** – **, Бетарафлар –** – **.**

Мажлис кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилиб, муҳокама қилинганидан сўнг, овоз бериш натижаларига асосан Қўқон шаҳар "Деҳқон бозори" АЖ,-

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖ бошқарув раиси Н.М.Ашурбаевнинг 2026 йил 9 ой (III-чорак)да Бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши ҳамда молиявий-хўжалик фаолияти якунлари юзасидан ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.
   1.1. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖ бошқаруви раиси Н.М.Ашурбаевга:
   - 2026 йил якунлари бўйича Бизнес-режада белгиланган барча кўрсаткичларни, жумладан, соф фойдани бажарилишини таъминлаш;

- Харидорларга сотувчилар томонидан хизмат кўрсатиш ишлари даражаси бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;
- Дебитор ва кредитор қарзларни қисқартириш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.

2. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖнинг 2027 йил учун мўлжалланган "Бизнес-режа" лойиҳаси бўйича билдирилган фикрлар, тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда маъқуллансин ва жамиятнинг 2027 йил учун мўлжалланган "Бизнес-режа"ни тасдиқлаш масаласи жамият акциядорларининг 2026 йил якунларига бағишланган йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

Қўқон шаҳар "Деҳқон бозори" АЖ
Кузатув кенгаши раиси: О.Х.Курбанов.

Кузатув кенгаши аъзолари:

Х.Ш.Мадалиев.

С.А.Асқаров.

Ж.А.Мелибаев.

Д.Ю.Ташпулатов.

Йиғилиш котиби: М.М.Арипов.

Баённома 2026 йил "19" 11 куни 2 (икки) нусхада тузилди.

Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖ

Кузатув кенгашининг 2026 йил 17 ноябрь кунги №01-сон

Йиғилиш баённининг 1 (бир) нусхасини ижро учун олдим

Жамият бошқаруви раиси: _____ Н.М.Ашурбаев

2026 йил "21" ноябрь